



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

Пардаева Дилором Боллиевнанинг

*“5210200 “Психология” таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун*

*“Оилавий муносабатларнинг ижтимоий – психологияда ўрганилиши”
мавзусида ёзган*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: проф.А.Жабборов

“Ҳимояга тавсия этилди”

Педагогика факультети декани

_____ доц.Ш.Нуриллаева

“ ” _____ 2015 йил

Қарши - 2015

Мундарижа

Кириш.....	3
I-Боб. Оила муаммоси ижтимоий психология ва этнопсихологиянинг тадқиқот предмети сифатида.....	10
1.1. Шарқ мутафаккирлари асарларида оилавий муносабатларнинг ўрганилганлиги.....	10
1.2. Ижтимоий психология ва этнопсихологияда оила муаммосининг ўрганилганлик ҳолати.....	17
II-Боб. Ўзбек оилаларида никоҳ олди омиллари ва уларнинг оила барқарорлигига таъсири.....	27
2.1. Ўзбек оилаларида тумуш қуриш ва никоҳ ёши.....	27
2.2. Никоҳгача танишганлик муддати ва ўзгача омиллар.....	39
2.3. Никоҳ қуриш мотивлари ва уларнинг оила ҳаётидаги аҳамияти.....	44
Хулоса.....	48
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	50

Кириш

Мавзунинг долзаблиги: Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилиқ жамятининг ижтимоий пойдеворидир. Оилавий турмушнинг асосий мақсади – бу фарзанд кўриш орқали аҳолини қайта тиклаш, авлодлар билан аجدодлар ворислиги ва давомийлигини ҳамда ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатдир.

Президентимиз И.А.Каримов оиланинг туб моҳияти ҳақида гапириб:

"Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор", деган эдилар.

Дарҳақиқат, оила - ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий мероси равнағини таъминловчи тарбия масканидир. "Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган" . Бола шаклланишининг илк мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатлари мажмуи бўлиб ҳисобланади. "Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шаклланади... Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир". Ота-оналар муносабатларда намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги қадриятлар уларнинг ўзаро муносабатларида уйғунлаша бориб, оилада ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри йўл-йўриқларини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат маданиятида шаклланади).

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, оилавий муносабатлар маданияти шарқ халқларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги халқлардан қолган асори-атиқаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижоди дурдоналарида, шарқнинг буюк мутафаккирларининг асарларида шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқига хос оилавий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар ифодаси тўғрисида қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Манбаларда оиласиз инсоний ҳаётни тасаввур қилиб бўлмаслик, баркамол фарзанд тарбияси, ундаги эр-хотин ва ўзаро муносабатлар маданияти, бахтли ва фаровон турмуш кечириш йўллари, ҳаётий мисоллар ёрдами билан ҳикматлар ва насиҳатлар кўринишида баён этилган.

Оилавий турмуш билан жамият тараққиётининг доимий муштараклиги туфайли жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам оилавий муаммолар унинг илғор вакиллари диққат-эътиборида бўлган. Оилавий ҳаёт жамият тараққиётида ва фарзандларнинг камолотида учун шу қадар муҳимки, худди шу боис уни бирор сония ҳам диққат-эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Президентимиз И.А.Каримов ва давлатимиз раҳбарлари томонидан ҳозирги даврда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас, албатта "Оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жихатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш бугунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор".

Оила мустаҳкамлиги, унда тарбияланаётган фарзандларнинг жисмоний ва маънавий жихатдан баркамоллиги масаласи барча даврларда долзарб аҳамият касб этган. Ўзбекистонда эса ушбу масалага истиқлол йилларида ниҳоятда катта аҳамият берилмоқда. Президентимиз таъкидланганидек, “ .. мустаҳкам оила ва бахтли турмуш авваломбор оила курадиган

ёшларнинг ўзига уларнинг ақл – заковати , маънавий фазилатларига , оила жамият олдидаги ўз бурч ва масъулиятларини чуқур англаб етишига боғлиқ”лиги фикри мамлакат зиёлиларини ўта долзарб ва муҳим амалий ишларни бажаришга ундайди.

Ўзбек оиласининг миллий-маданий ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олмай туриб оила-никоҳ муносабатларини, оилавий турмуш фаолиятини, унинг барқарорлиги ва фаровонлигини мақсадга мувофиқ йўсинда ташкил этиш ва амалга ошириш мумкин эмас.

Оила барқарорлиги ва фаровонлигининг асоси бўлган шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини, унинг атрофига оила субъекти эр-хотин шахси ва фаолиятининг барча жиҳатлари: уларнинг миллий-психологик ва миллий маданий билимлари, улар шахси ва фаолиятидаги миллий жипислик ва ижтимоий типиклик, ўзбек халқига хос ўзини ўзи англаши ва ҳоказолар семантизацияланади

Олинган маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ўзбек халқининг узок тарихга эга ижтимоий-маданий муҳити, турмуш тарзи, маданияти, миллий онги ва ўзини ўзи англаши, миллий характери, хулқ-атвор стереотиплари ва ўзига хослигини ўрганиш оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлашга имкон яратди.

Шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқи оилавий турмуш, эр-хотин муносабатлари, уларнинг вазифа ва бурчлари, сифат ва фазилатлари акс этган муқаддас диний манбалар, ўзбек халқ оғзаки ижоди, шарқнинг буюк мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари асарларида қимматли маълумотлар жамланган. Улардан ҳозирги ёшларни оилавий турмушга тайёрлашда ва оилавий турмуш амалиётида самарали фойдаланиш мумкин.

Жамиятнинг ижтимоий тарихий тараққиёти ва унда кечган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий ўзгаришлар оила

турмуш тарзига бевосита таъсир этган (акс этган). Оила таракқиёти тарихининг ҳамма босқичлари ва замонларида оилавий турмушга хос турли муаммолар шаклланган ва улар жамиятшунослик, инсоншунослик фанларининг муҳим масалалари сифатида қаралган.

Оиладаги шахслараро муносабатлар миллий-худудий хусусиятларга узвий боғлиқ мураккаб тизимга эга бўлиб, унинг асосий бўғини эр билан хотин ўртасидаги муносабат ҳисобланади. Ундаги шахслараро муносабатлар барқарорлигини оилавий кадриятларнинг шаклланганлик даражаси белгилайди. Эр-хотинларнинг шахслараро муносабати билан оилавий кадриятлари ўзаро узвий хусусиятга эга бўлиб, уларни шаклланмаганлиги муносабатларнинг беқарорлашувига олиб келади. Эр-хотиннинг шахс сифатида идентификациялашуви оила қуриш жараёни билан адаптация босқичида таъминланиши зарурат эканлиги кузатилади.

Оилавий муносабатларни инсонпарварлаштиришда инсонпарварлик психологиясининг "ҳаётдан-идеалга" қоидасига амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Унга кўра, шахс сифатида ўзини намоён қилишнинг муайян шарт-шароитларини яратиш, реалликдаги-идеал нарсани ўрганиб, назарий тасаввурлар ва воқеликнинг ўзини ривожлантириш йўли билан бу идеални тиклашнинг психологик амалиётини юзага келтириш мумкин. Жумладан, никоҳга кирувчилар (оила қурувчилар) дастлаб оилавий турмуш тарзи тўғрисидаги реал тасаввурларга эга бўлиш билан бирга жамиятда мустақил яшашни, турли ижтимоий гуруҳлар доирасида муомала қилишни, шахслараро муносабатнинг ҳар хил (зарур) шакллари ва усулларини эгаллай олиши шарт.

Ўзбек оилаларида шахслараро муносабатлар барқарорлигини белгилашда эр-хотин муносабатларидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, бир-бирини яхши тушуниш, фарзандлар, муомала одоби, онглилик ва

маънавий ахлоқий мавқе, унинг моддий таъминланганлиги, уй-жой билан таъминланганлик, роллар тақсимотининг мослиги, жинсий мослик муҳим омиллар ҳисобланади.

Оилавий низоларнинг шаклланиши ва уларнинг бузилиб кетишида эр-хотин феъл-атворининг мос келмаслиги, фарзандсизлик, севги ва меҳр-мухаббатнинг етарли эмаслиги, унинг бюджетини оқилона бошқара олмаслик асосий омиллар бўлиб, рўзғор ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, рашк ва ишончсизлик, ота-оналарнинг эр-хотин муносабатларига аралашуви, дунёқараш ва маслақларнинг номувофиқлиги, жинсий номослик каби омиллар ҳам оилавий муносабатларда зиддиятларни келиб чиқаришда муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги шароитда шахслараро муносабатларни мувофиқлаштиришда оилавий психотерапия воситалари ва усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар оиланинг меъёрли фаолият кўрсатишига, ундаги зиддиятларнинг турлари ва уларнинг шаклланиш сабабларини ўрганишга, профилактикасини ташкил этишга ҳамда шахслараро муносабатлар мувофиқлигини таъминлашга ёрдам беради.

Оилавий психотерапия моҳиятан кўпроқ инсонпарварлик йўналишлар томон интилган бўлиб, замонавий оила ривожланишида инсонга хос юксак майллар, сифат ва фазилатларни такомиллаштиришга ёрдам беришга даъват этилган.

Битирув малакавий ишининг мақсади: Ўзбек оилаларининг ижтимоий – этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

1. Ижтимоий психология ва этнопсихологияда оила муаммосини ўрганилганлик ҳолатини ёритиш.

2. Ўзбек оилаларида никоҳ олди омилларнинг этнопсихологик хусусиятларини аниқлаш.

3. Ўзбек оилаларида оилавий кадриятлар, иерархиясини текшириш.
4. Ўзбек оилаларида никоҳдан руҳий қониқиш даражасининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш.
5. Назарий ва оилавий хусусиятга эга бўлган психологик тавсиянома ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти: Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятида яшовчи ўзбек оилалари.

Битирув малакавий ишининг предмети: Ўзбек оилаларининг никоҳ олди омиллари, никоҳдан қониқиш, эр-хотин ўртасидаги низолар ва ўзаро муносабатларнинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятларини ўрганишдир.

Битирув малакавий ишининг методлари: Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда психологик амалиётда кенг қўламда қўлланиб келинаётган суҳбат, кузатиш, анкета, сўровнома ва йиғилган маълумотларни математик статистик методлари ёрдами билан қайта ишлашда фойдаланилади.

Битирув малакавий ишининг аҳамияти: Тадқиқот натижалари ижтимоий психология фанининг таркибий соҳалари бўлимиш оила психологияси, кичик гуруҳ психологияси, низо психологияси, шахс психологияси кабиларнинг этнопсихологик жиҳатларини назарий томондан бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, эмперик маълумотлар ва изланишда илгари сурилган ғоялар, назарий мушоҳадалар, шахслараро муносабатлар қонуниятлари механизмлари, уларни ҳаракатлантирувчи кучи тўғрисидаги маълумотларни очиқ беришга ёрдам беради.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми: Битирув малакавий иши кириш, икки боб, бешта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 53 бетни ташкил этади.

I-Боб. Оила муаммоси ижтимоий психология ва этнопсихологиянинг тадқиқот предмети сифатида.

1.1. Шарқ мутафаккирлари асарларида оилавий муносабатларнинг ўрганилганлиги

Президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, "Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган".

Дарҳақиқат, Шарқнинг буюк алломалари ва маърифатпарварлари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фаҳруддин, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида Марказий осийда яшаб келаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг (айниқса эр-хотин) миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи ва тарбиявий муҳити ва бошқалар ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

Оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданиятига хос масалалар буюк муҳаддис алломалар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари бўлмиш Аҳмад Яссавий, Баховуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилгандир.

Шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий меросини ўрганар эканмиз, уларда баён қилинган оилавий турмуш қоидалари, ундаги шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эркак билан аёл муносабати, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлар шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг оғзаки ижоди, эпосининг (ўзбек халқ мақоллари, эртаклари, дostonлари, афсоналари,

ривоятлари) узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданий мерос эканлигини кўрамиз.

Чунончи, ўзбек халқининг оғзаки ижоди ва эпосларида мардлик, халоллик, камтарлик, ишонч, севгига-садоқат, дўстлик, адолатлилик, меҳнатсеварлик, ҳамфикрлилик, орасталик, гўзаллик, оқиллик, эътиқод, ҳурмат-эҳтиром, оила шаъни ва ғурурини ҳимоя қилиш, туғилган жойига муҳаббат, эзгуликка интилиш, ҳалол ва пок яшаш улуғланган. Бу воқеликни биз Алпомиш, Кунтуғмиш, Гўрўғли, Ойсулув, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо каби қатор ўзбек халқ дostonларининг қаҳрамонлари мисолида кўришимиз мумкин.

"Қадимий эпосларда аёллар билан эркаклар тенг ижтимоий мавқега эга шахслар сифатида гавдаланади, аёллар эрларидан қолишмайдиган жасоратли қилиб тасвирланган" .

Севиб турмуш қуриш, севгида вафодорлик, оилавий тотувлик каби инсоний хислатлар ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек уруғлари ва элатларининг характерли хусусияти сифатида сақланиб қолган.

Маълумки, муқаддас динимиз исломда, унинг асосий манбалари ҳисобланган "Қуръони Карим" ва Ҳадисларда ҳам оилавий турмушнинг ва эр-хотин муносабатларининг барча томонлари ҳақида қимматли маълумотлар ва шаръий қонунлар ёритилган. Исломда бўлажак оиланинг вужудга келишига алоҳида эътибор берилган. Шариат бўйича никоҳдан ўтишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим бўлган. 1.Никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги. 2.Никоҳ ёшига тўлиш. 3.Никоҳни гувоҳлар иштирокида тузиш. 4.Келин учун қалин ва маҳр тўлаш. 5. Диний эътиқод бирлиги. 6.Никоҳланувчилар яқин қариндош бўлмаслиги. 7.Табақа бўйича тенглик. 8.Никоҳдан ўтувчиларнинг руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши.

Бу шартларга риоя қилиниб тузилган никоҳгина қонуний ҳисобланиб, тарафларни тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминлаган.

Қуръони Каримнинг оятида оиладаги эр билан хотиннинг ўрни белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шуларнинг эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир-босиқлик, оила рўзгор тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар мавжудлиги сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир. Қуръони Каримдан эр-хотин ёхуд оилавий муносабатларга хос ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳатто аждодларимизнинг муқаддас дини ҳисобланган зардуштийликда ҳам никоҳ ва оилавий бурч масаласи муҳим ахлоқий ўринда турган. Зардуштийликда кўп хотинлилик қатъий ман этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз ота-она ва жамоанинг раъйини писанд қилмай, қасддан турмушга чиқмай юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазоланган. Агар эркак киши шу йўлни тутса, унга тамға босилиб бадном қилиш мақсадида белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган. "Авесто"да қайд қилинишича, эркак аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим эди. Бундан ташқари, мазкур муқаддас китобда оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ солиш хусусида ҳам диққатга сазовор мулоҳазалар мавжуд. Шунингдек, унда никоҳ ва талоқнинг (ажрашишнинг) ўзига хос мезонлари бирма-бир келтириб ўтилган.

Зардуштийликнинг ахлоқ меъёрлари мажмуида аёллар масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган. Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, иғво, тухмат, эр-хотиннинг ўзаро

келишмовчилигига, ота она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилинишига йўл қўйилмаган.

Умуман Зардуштийликда ҳам, Исломда ҳам никоҳда икки томон тенг ва муносиб бўлиши айтиб ўтилган. Никоҳ тартиблари ва ҳаётий тажрибаларига кўра, келин ва куёв насл насабда, ижтимоий мавқеда, билим-савияда, дид-фаросатда, илм-эътиқодда, мулкдорликда бир-бирларига яқин бўлиши маъқул топилган. Шу боис, Шарқ халқларида ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, уларнинг тенгини топиб уйлантиришга жиддий эътибор берилган. Айниқса, қизларни оилавий турмушга тайёрлашда, уларда биринчи навбатда инсоний фазилатлар шаклланган бўлиши, оиланинг муқаддас эканлиги, уни авайлаб-асраш айнан уй бекаларига боғлиқлиги ҳақида аждодларимиздан бизгача етиб келган насиҳатнома, панднома ва ҳикматномаларда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қимматли насиҳатлар ҳикоя қилинади.

Жумладан, турк олими Юсуф Товаслий тўплаган "Ҳикматлар хазинаси"даги келин бўлувчи қизга бериладиган она насиҳати кишининг эътиборини ўзига тортади. Унда она турмушга чиқаётган қизига қуйидагиларни насиҳат қилади: "Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдир, ўғит ҳаммага зарурдир. Насиҳат билмаганга ўргатади, билганни эсига солади. Оллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган ҳар бир қиз эрга, ҳар бир эркак аёлга муҳтож бўлади. Эркаклар аёл учун, аёллар эркак учун яратилгандир. Ҳаёт мавжуд экан, бу қонунни ҳеч ким буза олмайди". Шу сабабли сен туғилиб ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб-кулиб юрган ерингдан чиқиб, ўзинг билмайдиган, нотаниш уйга борасан. Келажакда бу уй сеникидир. Сен эрингга шундай хизмат қилки, ул ҳам сенга қул бўлсин. Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин !

Айтганларимга амал қилсанг эринг билан гўзал ҳаёт кечирасизлар, масъуд, бахтиёр ва саодатли турмуш кўрасизлар. Бизлар ҳам (ҳар икки

оила бизнинг ҳам, эрингнинг ҳам оиласи) ҳузур-ҳаловатда ва бахтиёр бўламиз. Акс ҳолда икки оилада ҳам ҳузур-ҳаловат бўлмайди. Сен ўзинг бир жаҳаннамда яшагандек бўласан.

Қизим! Энди сенга айтадиган ўн ўғитимга кулоқ сол! Буларни доимо ёдингда тут;

1.Қаноат соҳибаси бўл. Ўз холингга шукур қил. Яъни, эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган, хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфезллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол! Эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз холига шукур этмоқликдир, холига шукур этмаган ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузури, қалб роҳати бўлмайди.

2.Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Яъни, эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганингда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни сенинг сўзлашиб, кулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ Таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлоқ бўлади.

3.Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер!. Яъни, уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут, шундай қилки, эрингнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4.Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хушбўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳидлар эринг кўз ўнгида сенинг обрўйингни туширади. Сендан ирканишга сабаб бўлади. Шунини яхши билгилки, тозалик ва зарифлик энг яхши нарсалардир, инсон кўзига хуш кўринишлик шулар биландир.

5.Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатини тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шунини яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини келтиради.

6. Уйқу вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг қачон уйқуга ётиш пайти бўлса, ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафакон этади. Асабларнинг бузилиши, хафаконлик одамларнинг эҳтироси, муҳаббатини секин-секин сўндиради.

7. Эрингни моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни, эрингнинг мол дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қилгил. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эрингни мол дунёсини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингни қариндош ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни, эрингни қариндошлари ва яқинларига ҳурмат - унинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш - эрингни ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса кадр ва эътибор қозонишдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни, эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бировларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузаётган оилангиз бузилади.

10. Эрингни динига тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил! Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар бир шундай ҳаракат бўлса, сенга кин сақлаб, охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Кўриниб турибдики, халқ оғзаки ижоди ва диний ғоялар ҳамда ҳикматномалар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга кўчиб сайқаллашган ҳолда сақланиб келган бўлса, халқимиз орасидан етишиб чиққан донишманд ва алломалар эса ана шундай қимматли маълумотларни халқ анъаналари ва кадриятларига таянган ҳолда ўз асарларида ёритган ҳолда илмий-маданий мерос сифатида келгуси авлодлар учун қолдирганлар. Улардан бири - жаҳон илм-фани ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир олим Абу Наср Форобийдир.

Абу Наср Форобий (873-950) жамият тараққиёти қонуниятларини ва инсон камолоти босқичларини, инсонлар яшаш жараёнида бахт-саодатга эришув йўлларини ўзининг машҳур асари "Фозил одамлар шахри"да баён этади. Форобий оқил инсонлар ҳақида гапириб, "Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар" деган эди. Аллома оқиллар бор жойда ҳеч қачон муаммолар ва келишмовчиликлар бўлмаслигига ишора қилади. Унинг ғояларида оиланинг тўлиқлиги, унда қарор топган соғлом маънавий муҳитнинг аҳамиятини акс эттирадиган фикрлар ҳам мавжуд. "Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради" ёки "одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир. Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар (бизнингча, оила) фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси (бизнингча, оила жамоаси) фазилатли жамоадир". Форобий кераксиз урф-одатлардан (ҳозир ҳам оилавий ҳаётда, эр-хотин муносабатларида учрайди) воз кечиш, бахт саодатга эришиш йўллари ҳақида гапириб шундай дейди: Раҳбарлар (эр ёки хотин) "ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишни талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай енгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди". Ёки "Бахт саодатга эришув йўлида нимаики (билим, ахлоқ, касб-ҳунар) ёрдам берса, уни сақламоқ, мустаҳкамламоқ нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур".

1.2. Ижтимоий психология ва этнопсихологияда оила муаммосининг ўрганилганлик ҳолати.

Фан тарихида оила – никоҳ муаммосисоциологлар, этнографлар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, файласуфлар ва психологларнинг доимо илмий тадқиқот предмети ва объекти бўлиб келаган. Чунки, оилавий турмуш жамиятнинг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги туфайли, ҳар қандай жамият ўз оилаларининг мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом эканлигидан ғоят манфаатдордир.

Ижтимоий психологияда ҳам оила категорияси энг долазарб мавзулардан бири бўлиб келган, худди шу боисдан уни ўрганишга бағишланган қатор илмий изланишлар олиб борилган ва ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Кўплаб ижтимоий – психологик тадқиқот ишлари турмуш ўртоқларини никоҳдан қониқиш муаммоси, эр – хотиннинг ўзаро муносабати, улар ўртасидаги низолар ва уларнинг келиб чиқиш сабалари шахслараро муносабатларининг, ижтимоий ҳамда этнопсихология хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган.

Ижтимоий-психологик адабиётларда оила-никоҳ муносабатлари, оилавий турмуш масалалари, унинг барқарорлигини, ундаги муносабатлар мустаҳкамлигини ҳамда фаровонлигини таъминловчи омиллар, шунингдек, ўзаро муносабатларда зиддиятларнинг шаклланиши ва оила унда бузилишларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ муаммоларга бағишланган қатор ишлар мавжуд бўлиб, уларда ҳозирги оилавий турмуш учун қимматли ҳаётӣ ва илмӣ хулосалар кенг ёритилган.

Биз тадқиқот олиб бораётган муаммони асослаш ва илмӣ ечимини аниқроқ топиш мақсадида оила барқарорлигини таъминловчи омилларнинг психология фанида бир-бирини мазмунан бойитадиган, мантиқӣ изчилликка эга изланишларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ тадқиқотлар тизимини оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг шарқ мутафаккирлари асарларида талқин қилиниши ташкил этади.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотлар оила барқарорлигини таъминловчи омилларнинг узоқ ва яқин чет эл психологиясида изланишларни ўзида камрайди.

Учинчи гуруҳ тадқиқотларда оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг мамлакатимиз психологлари томонидан амалга оширилган таҳлиллари мужассамлашади.

Ишнинг дастлабки бобида тадқиқотнинг биринчи босқичи натижалари умумлаштирилган. Тадқиқотимиз муаммосига яқин адабиётларни ўрганиш ва бошқа илмий манбаларни таҳлил қилиш, шунингдек, шахсий кузатишлар, ўхшаш муаммоларни ўрганишнинг илмий методларига танқидий ёндашиш умумфалсафий платформани (маслакни), шахсий ёндашувимиз муайян методологиясининг мавжуд умумий психологик позицияларини (нуқтаи назарларини) муайян изчил белгилаш ва омилкор методларни ажратиш имконини яратди.

Бу методлар ушбу тадқиқотнинг вазифаларини объективроқ ёритишда ва унинг мақсадини қарор топтиришга ёрдам берди.

Оиланинг ибтидоий кўринишлари саналувчи қон-қариндаш оила, ундан кейинги босқичда эса пунаунал оила, яъни бир гуруҳга мансуб опасигилларнинг бошқа жамоа гуруҳидаги эрларга хотинлик қиладиган оила дастлаб оиладан иборат демографик бирликнигина англатади. Кишилик жамиятнинг илк ибтидоий босқичда полигам оилада моногам оилага ўтиш жараёнида юзага келган эндоганик никоҳ яъни ибтидоий уруғчилик тузумида уруғ ичидаги гуруҳий никоҳдан-бир уруғга мансуб эркак ва аёл никоҳидан четланиш, аниқроғи қзига уруғ қизи билан никоҳланишига асосланган экзогам никоҳга ўтиш инсониятда номус туйғусини англаш нақадар узоқ вақт давом этган жараён бўлганини кўрсатади.

Оила тарихий кетегория сифатида кишиларни тибий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлиги бўлиб, унинг хилма-хил шакллари ва кўп қиррали вазифалари мавжуд ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларнинг табиатига жамият маънавиятига ва маданий тараққиётнинг даражасига боғлиқдир. Оила ана шу асосларга таянган холда кишилик тафаккури ва ижтимоий ҳаракатнинг улуғ кашфиёти бўлди. Машхур файласуф Сантаяна айтганидек, “Оила, бу-табиатнинг шох асарлариданбири”га айланди.

Оила жуфтлик қонуни асосида юзага келади, бир эркакнинг ўзи ёки бир аёлнинг ўзи оила бўла олмайди. Оила эр-хотиндан ташқари эрнинг ота-онаси, фарзандлари, ука-сингилларидан иборат кўп бўғинли хонадон.

Унинг ҳар бир аъзоси ўз мавқеига эга, шу оиланинг ички низомига бўйсуниб яшайди. Шу маънода оила жамият ичидаги жамиятдир. Бу жамиятнинг ўз салтанати бор: бунда миглаб тасодифлар жараёнида эр-хотин мухаббати синовидан ўтади. Бунда улар бир-бирини чуқурроқ тушунадилар, кадрлашади, кечиримли бўлади. Эр отага, хотин онага айланади, фарзанд тарбияланиб, орзу хавас қурилади. Шу маънода оила инсон ҳаётига тўқислик бахш этади, жамиятнинг муқаддас маскани сифатида садоқат сарчашмасига айланади.

Оила жамият низомлари асосида яшасада, оилавий муносабатлар мустақил ходисадир. Оила ишларига бировнинг аралашувига ҳаққи йўқ. Шу маънода оила жамиятнинг муқаддас ва дахлсиз йўқ мухториятидан иборат салтанатдир. Бу салтанатнинг подшохи-ота, вазири-онадир. Оилавий муносабатлар жамиятига мансуб ижтимоий – иқтисодий, сиёсий-мафкуравий, маънавий-ахлоқий муносабатлар заминида ва таъсирида кечади: шу жараёнга хос ўзгаришлар асосида ўзгариб, такомиллашиб, таназзулга учраб боради.

Оила таназзули, фикримизча, қуйдаги беш омилга боғлиқ холда юз беради:

1. Эр-хотиннинг маънавий-ахлоқий жихатдан бир-бирига мос келмаганлиги сабабли.
2. Фарзандсизлик оқибати.
3. Шу ҳолатнинг тескараси бўлиб, уч-тўрт хотиндан туғилган кўп фарзандлар орасидаги меърос талашуви.
4. Мафкуравий омил бўлиб, бу қизил империя ҳукумронлиги даврида оилавий муносабатларга беписан қарашда намое бўлади.
5. Танतिकроқ ўсган айрим ёшлар орасида турмуш машақатларига чидамсизлик, турмушни енгил тушуниш, ўткинчи хаваслар билан яшашга моиллик иллоти.
6. Оила кенг маънода авлодни давом эттириш ва болаларни тарбия этишда амалга ошириладиган ижтимоий формадири. Оила қонуний никоҳ билан боғланган кишиларнинг ўзаро ташкил топган қон-қариндошлиги ва иттифоқилар. Оиланинг асл маъноси шуки, эр-хотин бир ёстиғқа бош кўяди турмуш захматлари ва севинчларини биргаликда тортишга, умрларининг охиригача бир-бирларига вафодор ва садоқатли бўлишга аҳд бўлишлар. Оила кўрганлар ҳаётнинг нотексликларига, қийинчиликларига биргаликда барҳам беришга, болалари тўғрисидаги ғамхўрлик қилишга, бир-бирларини ҳурмат қилишга, эъзозлашга интиладилар. Хар бир оила ижтимоий тизим сифатида жамият олдида маълум бир функцияларни бажаради. Оиланинг ижтимоий функциялари ҳақида гапирганда, бир томондан жамиятнинг оилага таъсирини, иккинчи томондан эса умумий ижтимоий тизимида оиланинг ўрнини, оиланинг ҳал бўлишган ижтимоий (жамоатчилик) функцияларини ҳисобга олиш лозим. Оила қуйдаги асосий функцияларни бажаради: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекратив, коммуникатив, регулятив (бошқарув).

Албатта, бу санаб ўтилганлар ҳозирги замон оиласини асосий функцияларининг ягона классификациясини ташкил эта олмайди. Чунки айрим манбаларда: наслни давом этириш, тарбиявий, хўжалик ва ўзаро

ёрдам каби функцилар хозирги замон оиласининг мухум функциялари сифатида кўрсатиб ўтилса, яна бошқа оилашунос мутахасислар хозирги замон оиласи функцияларини: инсон зотини давом этириш, болаларни тарбиялаш ва хўжалик функцияларини фарқлайдилар. Шунингдек, оила функцияларини: болаларни дунёга келтириш, хўжалик-маиший, тарбиявий, оила аъзолари дам олиш ва уни ташкил этиш, маънавий мулоқат, сексуал, тарбия жараёнидаги ҳамкорлик, уй хўжалигини юрутиш учун зарур воситаларни таъминлаш, ўзаро моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кабилардан иборат эканлигини таъкидловчи классификациялар ҳам мавжуд. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, оилашунос мутахасислар томонидан оиланинг асосий функциялари турлича классификация қилинмоқда. Бу ўринда оила функцияларини шунчаки санаб ўтиш билан қифояланмай, балки уларни бир томондан одамларнинг моддий, хўжалик-маиший ва иккинчи томондан эмоционал ва ижтимоий-психологик эҳтиёжларини қондурувчи функцияларга фарқлаш мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, хозирги замон оиласида эмоционал ва ижтимоий-психологик жараёнларни қондириш функциясининг ахамияти ортиб бормоқда. Хатто соф моддий характерга эга бўлган функцияларда ҳам хиссийлик кўпроқ ривожланиб бормоқда. Хиссий, эмоционал контактларнинг ахамияти шаҳар оилаларида кучлироқ эканлиги англамоқда. қишлоқ оилалари эса уй хайвонлари ва томорқа ерларининг борлиги эвазига шаҳар оилаларига қараганда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи бўғинлигини, ишлаб чиқарувчилик функциясини кўпроқ сақлаб қолмоқда.

“Авесто”да оила,эр-хотин муносабатлари етарли ўз ифодасини топган.

Унда аёлга муносабат, аёлнинг роли, вазифалари, никоҳ қуриш ёш даврлари белгиланган.

Никох шартномаси тузилган ва ундаги шартларга кўра аёл ҳуқуқий , иқтисодий, ижтимоий, ахлоқий томондан эри билан тенг ҳуқуқли бўлган.

Эр хотинни тенг ҳуқуқли, севимли хотини ва хурматли шахс сифатида оиласига олиб кирган.

Байниҳол никохларга қаршилик кўрсатилимаган.

Никох шартномасига кўра эр хотиннинг розилигисиз такрор уйланиши ёки аёл кишини хизматкорликка олиш ҳуқуқига олишга эга бўлмаган.

Никох шартномаси, оиланинг мустаҳкамлигига хизмат қилиб, рашк хиссиниқўзғатувчи, мулоқот одобига риоя этмаслик, шахсиятга тегиш каби салбий ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган.

Никохнинг ажралишига салбий қаралган, аммо ажралиш оқибатида аёл ва эркекнинг манфатлари никох шартномасида ҳуқуқий кафолатланган.

“Авесто”да кўрсатилишича, оилада ота етакчи бўлган.

“Авесто”да ифодаланган оила ва оилавий муносабатларга ҳамма риоя қилиш лозим бўлган.

Бу эр-хотинни содиқликка даъват этиб, уларни бир-бирларига ғамхўр ва меҳрибон бўлишга чақирган.

Диққатга сазовор жойи шундаки, аёлнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасига кўтарилган.

Зардўштилик даврида оила қуришнинг қуйдаги мотивалари мавжуд бўлган.

а) ота ёки хомийнинг хошиш-иродаси туфайли:

б) севги-мухаббат туфайли:

в) қаровсиз қолганлиги туфайли(аёллар):

г) фарзандли бўлиш хошиши туфайли:

Умуман олганда, зардўштиликда аёл ва оила масаласига катта эътибор қаратилган бўлиб, аёл ва оиланинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини

мустахамлаш учун ўша даврдан бошлаб замин яратила бошлаганлигини таъкидлаш лозим.

Оила уни характерловчи турли мезонларга кўра қуйдагича фарқланади:

1. Тўлиқлигига кўра: тўлиқ, нотўлиқ ва қайта тузилган(иккинчи никох) оилалар.
2. Бўғинлар сонига кўра: нуклер (ота-она ва болалардан иборат бўлган) ва кўп бўғинли (икки ва ундан ортиқ авлоддан иборат оила аъзолари бирга яшовчи) оилалар.
3. Болалар сонига кўра: фарзандсиз, бир болали , икки болали, 3-4 болали, 5 ва ундан ортиқ болали оилалар.
4. Эр-хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига кўра: ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, зиёлилар оиласи, тадбиркорлар, аралаш турдаги оила.
5. Эр-хотиннинг маълумот савиясига кўра: олий маълумотлилар, ўрта-махсус, ўрта, тугатилмаган ўрта, махсус ёрдамчи мактаб маълумотига эга бўлган қайлиқлардан ташкил топган ва аралаш турдаги оила.
6. Оиланинг “ёшига” кўра: ёш оила (1 йилгача, 3-5 йиллик, 6-10 йиллик турмуш тажрибасига эга бўлган оилалар), ўрта ёшдаги оила, етук ёшдаги оила(қариялар оиласи).
7. Қайлиқларнинг ота-онаси оиласининг моддий таъминланганлик даражаси жихатидан қудаларнинг бир-бирига мос эканлиги ёки улар орасида катта тафовут мавжудлиги бўйича бир-бирига мос бўлмаган оилалар.
8. Регионал жихатларига кўра: шаҳар, қишлоқ, аралаш типдаги оила.
9. Никохдан қониққанлик савиясига кўра, ажралиш савиясида-никохдан қониққанлик даражаси кўйи савияда бўлган оила, ўрта

савияда ва никохдан қониққанлик даражаси юқори савиядаги оила.

10. Оилада аёл ёки эркак етакчилигига кўра: эр етакчи бўлган оила, хотин етакчи бўлган оила, эр ва хотин етакчиликни бирга бажарадиган (биархат) оила.
11. Оилада эр-хотин орасидаги муносабатларига кўра: авторитар, демократик, либнриал, аралаш типдаги оилалар.
12. Эр-хотинларнинг миллатига кўра: бир милатли ёки байналминал оилалар. Байналминал оилалар ўз тнавбаотида иккига бўлиш мумкин: дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирган миллат вакиллари орасида никохлар, масалан, ўзбек-тожик, ўзбек-қозоқ, ўзбек-туркман, рус-украин, ўзбек-татар ва бошқалар, дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирмаган миллат вакиллари орасида никохлар, масалан, ўзбек-рус, ўзбек-украин, ўзбек-эстон, ўзбек-немис ва бошқалар.
13. Юридик расмийлаштирилганлигига кўра: синовдаги оила(бирга яшашади, аммо хали никохни расмийлаштирилмаган, чунки бир-бирларини норасмий никохта синашяпти), расмийлаштириш арафасидаги оила (бирга яшашади, оила қуруши мақсади аниқ, аммо айрим объектив сабабларга кўра расмийлаштириш кечиктириляпти), никохдан оила, никохдан ташқари оила (айрим эркак кишиларнинг иккинчиси, учинчи, юридик жихатдан норасмий оиласи). Никохдан ташқари оилаларнинг айримлари пинхона бўлса, кўпчилиги ҳақида эркак кишининг биринчи оиласи ва қариндошлари билишади.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар тартибида оилавий муносабатлар масаласига эътибор қундан-қунга қучаймоқда. Айниқса, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш психолог олимларимиз олдида қатта муаммо бўлиб турибди. Бу муносабатлар эса қатта қуч талаб этмоқда. Психолог олимларимиздан Г.б.Шоумаров,

М.Г.Давлетшен, И.Худойбердиев, Э.Сатторов, Н.А.Согинов, Э.Ш.Усмонов, Х.Узоқов, Э.Ғозиев, Е.Моршинов, А.Тожиев, М.Маматов, О.Тўраевалар буюк алломаларимиз Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, А.Навоий, Абдулла Авлоний каби маърифатпарварларнинг ғояларидан фойдаланиб, ота-она ва фарзанд муносабатларини ўз китобларида ёритиб бермоқдалар. Рус психологлари ва социологлари Дубровина И.В. В.И. Популярная “психология для родителей под.ред. ”А.Абадалиева М.“Пука” 1988 И.В.Дуубровина, В.И. Чудовский, В.А. Сиенколарнинг асарлари ҳам муаммолар тўғрисидадир.

Уларнинг таъкидлашича, ота-она ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ширинсуҳанлик, бир-бирига ғамхўрлик мавжуд бўлса, бундай муомила муносабат бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатилади. Улар ўз фарзандларига чинаккам бахт ҳады этадилар. Рухшунос олим В.И.Селеванов эса оилада, шахсни шакллантириш жараёнини ўрганиб, бахтли болалаик бу оиладаги қувончли ҳамжихатликни ҳамда, ота-оналарнинг болаларга ғамхўрликлигини самарасидир, деган хулосага келади. Муаллифнинг оилаларни йўналишига қараб, 3 тоифага муносиб эканлигини кўрсатади. Ижтимоий йўналишдаги илғор оила, зиддиятли йўналишга эга бўлган оила, паст даражадаги оила.

Шунингдек, америкалик психолог олим Джарэлдино Чейпи ҳам ота-оналар ва болалар тўғрисида кўп асарлар яратади. Шулардан бири “ болаларнинг мактабга тайёрлаш” китобдир. У бу китобда боғча ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш учун биринчи бор уларни ота-оналар билан муносабати яқинроқ бўлишни ва шу билан бирга уларни нутқини ривожлантириш, фикрлаш қобилиятини кучайтириш, теварак атрофга фаоллигини ўстириш, ақлан ривожлантириш кераклигини айтиб ўтади. Ўзбек психолог олими “Ўзбек оиласининг хусусиятлари” асрида

Т.Мақсудов “Оила ва бола” ўзбек оиласида ота-оналар ва болалар муносабатларини ўрганган ҳолда, ушбу жумлани алоҳида таъкидлаб ўтади.

“Ота-она синков психолог, нозик дидли педагог, боланинг келажагини яратувчи башоратгўй бўлиши лозим. Агар ота-она боладаги истеъдод куртакларини ўз вақтида сезиб, уларнинг ривожлантиришига шароит яратиб бера олса, бола шахсининг камол топтиришга катта йўл очади”.

II-Боб. Ўзбек оилаларида никоҳ олди омиллари ва уларнинг оила барқарорлигига таъсири

2.1. Ўзбек оилаларида тумуш қуриш ва никоҳ ёши

Никоҳга етуклик тушунчаси ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доимо ривожланиб, такомиллашиб боровчи, касб-хунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янгидан-янги чўққиларга эришиб боровчи мавжудотдир. Агар инсонни у ёки бу фаолиятига “тўла етуклик” хусусида гапирадиган бўлинса, демак бу унинг маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиш мумкин эмаслигини билдирди. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга ёки бирон-бир фаолиятига етуклиги хақида гапирилганда “етуклик” тушунчаси том маънода ўринли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам кишининг “етуклиги”, айниқса, никоҳга, оилавий хаётга “етуклиги” масаласида фикр юритилганда бу тушунчадан маълум бир умумқабул қилинган андоза, ўртача меъёр, маълум бир шартли “ўлчов бирлиги”, кўрсаткичлар ва шу кабилар сифатидагина фойдаланилади.

Масалан, барча ўқув юртлари (мактаб, лицей, коллеж, институтлар) учун битириш имтихонлари (давлат имтихонлари тизими, диплом ишлари химояси тизимлари кабилар) мавжуд бўлади ва улар ёрдамида битирувчилар томонидан ўзлаштирилган ўртача билимлар ва улар ёрдамида малака йиғиндисини аниқлаш мумкин. Бу эса уларга кейинчалик яна ўқишни давом этириш ёки маълум бир мутахасислик бўйича ишлаши мумкинлиги борасида маълум бир ҳуқуқ беради. Шу нуқтаи- назардан олинганда “етуклик”-ривожланишнинг маълум бир босқичи, фазаси, чегарасига етилганликнинг сифатий ва миқдорий характеристикасини маълум бир аниқликда белгилаб берувчи кўрсаткич бўлиб хизмат бўлиш. Одамнинг никоҳга, оилавий хаётга етуклиги масаласи эса ўта мураккаб

бирон- бир қатъий мёр билан ўлчаб бўлинмайдиган индивидуал характерга эга бўлган кўрсаткичдир.

Масалан, никоҳга етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: жимоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жихатларини фарқлаш мумкин. Буларнинг орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга эга бўлган ва булар ҳақида тнгишли ҳуқуқий, тибий, психологик адабиётларда кўплаб малумотлар берилган жихатлар бўлса, иқтисодий , маънавий-ахлоқий, психологик жихатлар бироз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, бир чегарага эга эмаслиги билан характерланади.

Масалан, одамнинг жинсий етуклиги ўзига хос омилларга эга. Клиник кузатишда олинган маълумотларга кўра, ҳозирги замон қизларида жинсий етуклик (балоғатга етиш) 12-14 ёшгача, ўғил болаларда эса 14-16 ёшга тўғри келади. Албатта, бу етуклик баъзи бир болаларда эртароқ, бошқа бирларида кечроқ рўй бериши мумкин. Бу кўрсаткичлар 2 ёшга фарқ қилиши эхтимолдан холи эмас. Айрим тиббиёт олимлари болаларни тўла жинсий етилишлари учун яна 2-3 йил керак бўлади, деб ҳисоблашади.

Жинсий етилиш қатъий жинсий эхтиёжларининг шаклланишига олиб келади. Бу даврга келиб болаларда иккиламчи жинсий аломатлар намоён бўла бошлайди. Жинсий секреция безларининг фаоллиги ортади. +из болаларда ойлик цикллари (менструация), ўғил болаларда поллюциялар рўй бнра бошланади. Бошқача қилиб айтганда, уларда пубнртат давр бошланади. Демак, бу даврга келиб болаларнинг моддий ва маънавий қизиқишлари ўсиб бориши билан бир қаторда, жинсий эхтиёжлар шахс ваоллигининг кучли манбаларидан ҳисобланиб, у турли психологик ва ижтимоий шаклларда намоён бўла бошлайди.

Жинсий майлнинг, жинсий эхтиёжнинг юзага келиши одамни биологик ривожлана бошланишинг ўзига хос босқичидир. Улар бола

рухиятининг ривожланишига, унинг шахс сифатида шаклланишига, хаёт фаолиятининг бошқа жihatларига катта таъсир кўрсатади.

Шахснинг психологик етуклиги дейилганда, даставвал, унинг турли хаётий вазиятлар ва шароитларни хушёр баҳолай олиш назарда тутилади. Бу хушёрлик амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш, шахсда ўзининг ютуқ ва камчиликларни, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолай олишда ҳам намоён бўлиши керак. Афсуски, кўпинча ёшлар ўз қобилиятларини ортичка баҳолаб, олдиларига эришиб бўлмайдиган мақсадларни қўйиб олиш холларига дуч келинади. Айниқса, оилавий хаётни тасаввур қилиш, унда ўз ўрнини баҳолаш масаласида ёшларимиз кўпроқ хатога, ўзларини ортириб баҳолашга, оилавий хаётдан мумкин бўлганидан кўпроқ нарсани кутиш холлари кўпроқ кузатилади. Натижада муфаввақиятсизлик, пушймон бўлишлар, асаб бузилишлар юзага келади. Психологик етук шахс эса аксинча, ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкраниялари етарли бўлган мақсадларни қўяди, ўз хаёт йўлини ва унга эришиш воситалари ҳамда усулларнинг тўғри белгилайди. Бундай шахс ўз хиссиёти, кечинмаларини етарлича назорат қилиб билишлиги, яъни ички интизомнинг юқори ривожланганлиги билан характерланиб туради. Психологик етуклик ўзга шахсларнинг хохиш , истаклари, кечинмаларини тушуниш билан маълум даражада боғлиқ. Бу ўз навбатида мулоқатнинг, ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилишига, оилада, турли гуруҳларда гормоник муносабатларнинг ўрнатилишига имкон беради. Турли ёшдаги, мансаб, лавозим, тоифадаги одамлар билан, қизиқиши, одатим, таъби, турмуш тарзи мутлоқ бошқача бўлган одамлар билан эркин ва мантиқли муносабатда бўла олиш- шахс психологик етукликнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Ёшлар оила қураётганларида бу хусусиятлар хал қилувчи бўлиб хисобланади. Албатта, бундай қобилиятлар бир кунда шаклланмайди. Улар олдинги хаёт давомида унга берилган тарбия таъсирида аста-секинлик

билан шаклланади. Психологик етуклик, шахс хулқини турли яшаш шароитларига мослашувчанлигида ифодаланади. Психологик етуклик шахсининг бошқаларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ғам-ташвишга шерик бўла олиш, ўзаро ёрдам кабилар тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларнинг таркибий жихатларини ўзида бириктиради. Психологик етукликнинг мухим мезонларида бири-шахсда оилавий муаммоларни адолатли хал этишга хизмат қилувчи ўз йўқ фикри, қараши, позициясини бўлиши, зарур бўлганда оила манфаатида ўз қарашларини ота-оналари олдида химоя қила олишидир.

Бу давр оилавий муносабатлар пойдеворини ясовчи босқич ҳисобланиб, ўзига қайлиқ танлаш ва дастлабки синов босқичи саналади. Бу даврда бўлғуси келин ва куёв ҳамда уларнинг оилалари тўғрисидаги маълумотлар тўпланади, тегишли хулосаларга келинади, муайян ижтимоий тасаввурлар яратилади. Бўлғуси жуфтликнинг шу давр ичида қабул қилган қарори кейинги турмуш тарзига қўйилган дастлабки кадамдир. Бўлғуси келин билан куёвнинг ҳамкорлик фаолиятини режалаштириш, уларда бир бирига нисбатан ижобий ва объектив баҳоланган ҳис-туйғуни намоён қилиш айниқса муҳимдир.

Дастлабки босқичда йигит билан қизнинг шахс сифатида идентификациялашувига қисман бўлса-да аниқлик киритилади.

Бунинг учун: **Йигит**

- қизлар психологиясининг хусусиятларидан хабардор бўлиши;
- ўзига шахс сифатида идентификациялашган қайлиқ танлаши;
- танишув жараёнини тўғри ташкил этиши;
- ўзига мос ёр танланганлиги ҳақида ота-онасини хабардор қилиши;
- дастлабки таассуротлар таъсирига тўлиқ берилиб қолмаслиги;
- уйланишолди ота-она ва қариндошлар маслаҳатини қабул қилиши;

- қайлиқ билан учрашувни муомала мароми ва шахслилик позициясига амал қилган ҳолда ташкил этиши ёки "гардиш самарадор"лигига тушиб қолмаслиги;

- қайлиқ шахсини тўла идрок этиши ва тасаввурини яратиши;

- оила ва оилавий муносабатлар тўғрисидаги тасаввурларни шакллан-тириши;

- куёвлик статуси тўғрисидаги тасаввурларни тўғри таркиб топтириши;

- жинс ва эр-хотинлик жинсий муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши;

- жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлигини инобатга олиши

- тўй олди тайёргарлиги ва уларни маромида амалга ошириши

- тўйни кўнгилдагидек ўтказиши.

Қиз: бу даврда оила қуришга тўлиқ тайёргарлик кўриши зарур, шунинг учун у ўз тасаввурига мос оила бекаси бўлиши учун айрим жиҳатларни инобатга олиши лозим:

- қиз йигитлар психологияси ҳақидаги маълумотлардан хабардорлиги;

- йигит билан дастлабки учрашувда эҳтиросларга берилмаслиги;

- жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлигини инобатга олиши

- қизлик иффатига мос хатти-ҳаракат қилиши;

- йигит билан очик ва самимий муносабат ўрнатиши;

- қайлиқ танлашда яқдил ва тўғри хулоса чиқара билиши;

- ота-она ва қариндошларнинг маслаҳатларини инобатга олган ҳолда ўзи қайлиқ танлашда мустақил қарорга келиши;

- уй юмушлари ва хўжалик ишларини бажаришга тўлиқ тайёрлиги;

- "қайнона-қайнота-келин", "куёв-келин", "келин-овсинлар", "келин-куёвнинг ака-ука, опа-сингиллари" тизимидаги муносабатлар тўғрисида тасаввур яратишга уқувчанлиги;

- янги муҳитга руҳан ўзини тайёрлаб бориши;
- тўйга тайёргарлик ва уни кўнгилдагидек ўтказишга интилиши.

Никох- оила муносабатлари юзага келган дастлабкт, ибтидоий замонлардан буён унга характерли бўлиб келган хусусиятлардан бири уни ўз аъзоларининг муносабат талабларидан бири уни ўз аъзоларининг ахлоқий- психологик химояланишни таъминлаш, ёш болаларга ва меҳнатга яроқсиз кишилар ёки кекса қариндошларга моддий-маънавий ва жисмоний ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат бўлиб келган.

Бу ҳолат ўз навбатида оиланинг асосий функцияларидан бирини, унинг рекреатив функциясини ташкил бўлиш. Оиланинг рекреатив функцияси – ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустахкамлаш, оила аъзоларнинг дам олишини ташкил этиш демакдир. Бу функция кейинги йилларда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Оила аъзолари саломатлигини мустахкамлаш, оила аъзоларнинг дам олишини ташкил этиш, оила аъзоларнинг бевосита меҳнат, ўқиш ва бошқа ижтимоий фаолиятлардан холи холда, яъни бўш вақтларни биргаликда ўтказишларини қандай ташкил қилишлари, унда буларнинг ўзаро муносабатлари характери қандай эканлиги бугунги кун оиласи мустахкамлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан ҳисобланади. Бўш вақт жамиятининг ниҳоятда муҳим ижтимоий қадриятларидан бирдир. Бу қадриятдан одамлар турлича фойдаланадилар. Бўш вақтни мунтазам равишда қандай ўтказишга қараб ҳар бир одамнинг етуклик даражасига, маънавий дунёсига баҳо бериш мумкин. Бу борада эришилган ютуқларимиздан бири шуки-дам олиш ва соғломлаштириш ишларига давлат миқёсида аҳамият берила бошланди. Лекин кўпчилик турли сабаблар билан (уларнинг ўзлари кўпроқ моддий сабабни кўрсатишда) маданий дам олишга эътибор бермай қўйганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги вақтда оилавий дам олиш, оилавий туризим ва қатор оилавий тадбирлар

доираси кенгайиб бормоқда. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки ҳозирги вақтда оиланинг рекреатив функциясини кўп ҳолларда давлат ва ижтимоий ташкилотлар ўз зиммасига олмақда. Жамият аъзоларининг ҳафсизлигини таъминлаш, қарияларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш (бизнинг миллий хусусиятларимизга ёт бўлса-да, қариялар уйлариининг очилиши), одамлар дам олишлари ва ўз соғлиқларини тиклаб олиш имкониятларини берадиган дам олиш уйлари ва санаторияларнинг очилиши кабилар шулар жумласидандир. Лекин шу билан бирга оиланинг ўз аъзоларининг ахлоқий-психологик ҳимоянганлигини таъминлашдаги роли тобора ортиб бормоқда. Чунки инсон фақат ўз оиласидагина ва фақат ўз яқинлари қуршовидагина ўзини том маънода хотиржам, эркин ҳис қила олиши мумкин ҳолос. Бу борада оиланинг ўрнини ҳеч бир ижтимоий муассаса боса олмайди.

Махсус манбаларда қайд этилишича, ер юзида бундан 4 млрд. йиллар муқаддам ҳаёт нишонлари, жонзодлар юзага келган. Ҳозирги замон одамларининг дастлабки иптидоий аجدодлари (*Homo sapiens*) фикирловчи одам бундан 3 млн. йиллар муқаддам шакилланган. Узоқ муддат давом этган ибтидоий тарақиётдан сўнг аста-секинлик билан ибтидоий жамоалар, кишилиқ жамиятлари юзага кела бошлаган ва одамлар ўртасида дастлабки ўзаро муносабатлар, мулоқатлар шакллана борган. Лекин уларни ҳали том маънода инсоний муносабатлар деб бўлмас эди.

Умуман эркак ва аёлларнинг бир-бирларига нисбатан қарама-қарши жинс вакиллари сифатида ўзаро муносабатларнинг илк кўринишларида, яъни никоҳ муносабатлари юзага келишининг илк босқичларида жинслар ўртасидаги муносабатлар, асосан биологик омиллар билан бошқарилади. Худди маймунларда бўлгани каби ибтидоий одамларнинг аёлларихам вақти-вақти билан, қисқа муддатли (ой давомида 4-5 кунгача, фақат айрим турлардагина 19 кунгача) этрус даврини ҳис қилганлар (этрис-қўшилишга мойилликнинг шиддатли, кучли номоён бўлиш). Бундай кунларда аёллар

кимни хохласа ўшалар билан фарқлаб ўтирмай қўшилаверган, бошқа вақт эса қўшилиш бўлмаган. Дамларнинг тик юришга ўтиши билан улар организмда рўй бераган ўзгаришлар, “илк аёлларни” кўз ёриш жараёнида кўп нобуд бўлишига ва оқибатда одамлар тўдасида уларнинг сонини кескин камайиб кетишига олиб келган. Шу боисдан эркаклар ўртасида аёл билан боғлиқ кўплаб низолар юзага келган, уларнинг кўпчилиги қонли тўқнашув иштирокчиларидан бирининг нобуд бўлиши билан тугаган.

Бундай табиий танланиш эструс ходисаси узоқроқ муддат давом этган уруғларнинг кўпроқ яшаб қолишига олиб келади.

Бирок, бу биологик омил “илк ижтимоий”режадаги янги тўсиқларни юзага келтиради: ҳеч бир организм бундай узоқ вақт давом этган ўта шахвоний, асабий зўриқишларга дош бера олмас эди. Шунинг учун эструс муддатнинг узайиши билан аёллар бу даврда “совуқроқ”, ўзининг жинсий майлини назорат бўлишган ва энди ким тўғри келса ўша билан эмас, балки фақат ўзларига ёқадиган эркаклар билангина қўшиладиган бўлиб борганлар. Эркакларга нисбатан “танлаб” муносабатда бўлиш- ўзига хос инсоний мухаббатнинг биологик пойдевори юзага кела бошлаганлигидан далолат беради. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз жоизки, ҳозирги одам тушунадиган, хис қилиадиган “севги” хиссининг илк элементлари, аёлларнинг шу ҳолати хусусияти эвазига инсоният рухиятига сингиб кетади. Шулардан сўнг, аста-секинлик билан, гарчи ҳеч қандай ижтимоий меъёрлар билан бошқарилмаса-да бир-бирларини шахвоний маъқул кўрадиган жувфтлардан иборат унчалик катта бўлмаган гуруҳлар ташкил топа бошлайди. Шундай қилиб, эструснинг узайиши ҳамма учун ҳам қулай, мақул бўлмаган. Бу эса уруғ таркибига кирувчи эркаклар ўртасида яна жанжаллар, қон тўкилишларига сабаб бўладиган ҳолатларни келтириб чиқарган. Одамлар жамоаси хўжалик фаолиятининг жиддий бузилиши, уруғнинг яшаб қолиши учун хафнинг рўёбга чиқишига олиб келади. Шу тарзда юзага келаётган жамиятда, уруғ ичидаги жинсий мулоқатни

бошқариш, биологик инстинк, зоологик индивидуализмни жиловлаш учун махсус ижтимоий меъёрлар шакллана бошади. Ана шундай ижтимоий меъёрлардан бири мазкур уруғ ичида эркак ва аёлларнинг жинсий мулоқатларни маълум бир муддатга (овга тайёрланиш, ов вақтларида) таъқиқловчи жинсий табулар (таъқиқлаш)нинг юзага кела бошлаганлигидир.

Табу- ахлоқий меъёрлар ичида анча жиддий ва қаттиқ таъқиқдир. Ахлоқий меъёрлани бузувчиларни жамоа жазолаши, уни йўқ қилиб юбориши ҳам ёки кечириб тирик қолдириши ҳам мумкин. Кўпинча эса табуларн бузганлар, улар буни билиб қилганми, ёки билмайми бундан катъи назар сўзсиз жазолаган , йўқ қилиб юборилган.

Ишлаб чиқаришдаги жинсий табуларнинг юзага келиши уруғ ўртасида эркак ва аёлни маиший ажратиб қўйишида кузатилади. Табу вақтида эркакларга нафақат аёлларга тегиниш, балки уларга қараш, улар билан гаплашиш, улар тайёрлаган овқатни исьтемом қилиш, хатто улар билан бир том остида, яъни “бир уйда” бўлиш тақиқланган.

Дехқончиликнинг юзага келиши, мавсумий дала ишларининг ортиб бориши билан жинсий табуларнинг холи вақтлар борган сари кам мудатли бўлиб борган. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам жинсий зўриқшининг жадалилиги ортиб боради. Шунинг учун табулардан холи қолган вақт оралиғи ўзига хос шахвоний айшу-ишратларга айлана борган. Тоқли психолог З. Фрейд бу даврни ўзига хос байрамларга қиёслаган. Чунки аксарият байрамларда, бошқа кунлари таъқиқланган деярли барча нарсага рухсат берилади. Бу байрамларда ҳеч нима билан чекланмаган, жўшқин жинсий мулоқатлар амалга оширилган.

Шундай қилиб, қисқа муддатли эструс юзага келган, бироқ энди бу эструс биологик сабаблар билан эмас, ижтимоий сабаблар билан боғлиқ бўлган. Бу вақтларда хали на никоҳ , на оила мавжуд бўлган. Ўз навбатида табулар кейинчалик никоҳнинг илк турларидан бўлмиш экзокам

никохларини юзага келтиради(экхогам никох- уруғлар аро уруғлараро никох).Чунки табулар фақат ўз уруғи чунгина талуқли бўлган , унда қонқариндошлар ўртасида жинсий мулоқат таъқиқланган, бошқа уруғ ёки уруғ аъзоларига эса талуқли бўлмаган.Шунинг учун эркакларга қаердадир, овлоқ жойда бошқа уруққа мансуб бўлган аёлни учратиб қолиб, ундан шахвоний объект сифатида фойдаланиш мумкин бўлган. Мабодо, эркаклар узок муддат қишлоқ хўжалик ишари билан банд бўлган вақитларида бирор бир бегона эркак билан аёллар ҳам бу ишни қилишган. Табу давом этаётган даврда бир уруғ эркаги ўз аёлларидан узокдан, ўз кулбасида бошқа уруққа мансуб аёлни сақлаши мумкин бўлган. Кейинчалик бу тасодифий алоқалар уруғ қоидаларида одатий,зарурий, кўзда тутилган одатларга айланиб борди. Бу ўринда одамларга, бу “бошқа уруғдагилар”билан бўлган алоқалардан туғилган наслларга нисбатан бўйдор, бақувват абжир эканлиги сезилиб боради. Бу айнан хозирги замон одами гомосапинес шакллана бошлаган даврга, тахминан бундан 42-45 минг йиллар муқаддам ўтган даврга тўғри келади.

Шундай қилиб эндогамия(фақат бир уруғ вакиллари ўртасидаги жинсий алоқа)дан,агомия, яъни жинсий муносабатларнинг вақтинчалик таъқиқланиши орқали экзогамия(турли уруғ вакиллари ўртасидаги мунтазам жинсий алоқа) юзага келади. Бундан никохнинг гурухли никох(дуально родовой) тури юзага келган. Гурухли никохда бир уруғ эркаклари бошқа уруғнинг барча аёллари учун эр ва аксинча, иккинчи уруқнинг эркаклари биринчи уруғ аёлларининг эрлари хисобланган.

Гурухли никохнинг юзага келиши қайтанга никох жуфтлари доирасини маълум бир гурух аъзолари билангина чегаралаб бирмунча қисқартиради.. Бундай холларда бошқа уруғдаги “эркак” бу уруғ фақат битта мақсадда, “никох” мақсадидагина келар эди, ўзлари эса она оилаларида яшарди ва ишлашарди, улар “хотин”лар яшайдиган оилада ҳеч қандай ҳуқуқга эга эмас эдилар.

Гурух никох икки урукнинг никох алоқаларидан иборат бўлган никох муносабатларининг биринчи шакли бўлган. Албатта бундай уруқларни хали моддий неъматлар ишлаб чиқиш эмас, балки болаларни дунёга келтиришигина боғлаб турган. Ишлаб чиқариш ва болаларни дунёга келтириш муносабатлари бир-биридан ажрати қўйилган эди. Жинсий алоқалар эса фақат бир-бирлари билан мулкый ишлаб чиқариш ишлари билан боғланмаган одамлар ўртасидагина мавжуд бўлган.

Гурух никох шахсий никох бўлмаган, яъни унда бирор бир доимий “эр-хотилик” жуфтлари мавжуд бўлмаган. Хар бир аёлнинг никох жуфти айнан ким бўлишлиги уруғ томонидан белгиланмаган, бу фақат одамларнинг холис хохишлари, истакларнинг номоён бўлиши бўлган, холос. Уруғ фақат зўроёнлик, мажбурлаш холлари кузатилгандагина аралашиш мумкин бўлган, яъни хар бир индивидга ўзи қандай хохлаеса, шунлай йўл тутиш ҳуқуқи таъминланган. Бундай муносабатларни hozirgi замон тили билан “никох” днб аташ мумкин, чунки бундай муносабатлар жуфтлардан на ҳуқуқ, на мажбурият ва на ўзаро масъулиятни талаб қилмаган. Шунингдек, оила деб аиаш мумкин бўлган, болаларнинг боқиш ва тарбиялаш билан боғлиқ алоҳида бир мухаббат ҳам бўлмаган.

Табиийки, гурухли никохда у ёки бу боланинг отаси ким эканлигини аниқлаш ҳам мушкул бўлган, шунинг учун болаларнинг келиб чиқиши фақат она томонидангина хисобланган. Уруғнинг фақат аёлга тегишли томони тан олинган. Болалар фақат ўз онсинигина билишган. Уларнинг сингиллари, сингилларининг болалари, тағишган ака- укалари ва бошқа қариндошлари она уруғининг ташкил қилган.

Гурухли никохнинг моддий асоси бўлиб, асосан уй хўжалигини юритиш хисобланган, чунки бу вақтга келиб овчилик ҳамма вақт ҳам уруғ эҳтиёжини қондира олмай қолган. Бу даврда аёл уй хўжалик ишлари билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажарган ва шу билан боғлиқ холда уруғ аъзолари ўртасида ўзига хос хурматга эга бўлган, уруғ оқсоқоллари

кенгашида эътиборли ўрин эгаллайди. Матрихт (оналик) даври бир неча ўн минг йиллари давом этган.

Никох олди омиллари у ёки бу никохнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунимиз учун энг мухим ҳисобланган психологик омилларни ўзида мужасамлаштирган, кўп қиррали омиллар комплексидан иборат бўлиб, оила қураётган ёшларнинг ўзлари қураётган биргаликдаги турмушга қай даражада “етилган”ликларини бнлгилаб беради. Бу ерда энг мухими шу ёшларнинг оилавий ҳаётга, эр-хотин бўлиб яшаш талабларига қай даражада жавоб бера олишлиги назарда тутилади.

Шунингдек, никох олди омиллари қаторига шу оила қураётган ёшларнинг: оилавий ҳаётга етуклиги: уларнинг оила қуриш мотивалари: уларнинг оила қуришгунига қадар бир-бирларини танишлик муддати (қанча вақт бир-бирини яхши билиш) шартлари ва шароитлари: уларни ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкин.

2.2. Никоҳгача танишганлик муддати ва ўзгача омиллар

Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилиқ жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Оилавий турмушнинг асосий мақсади - бу фарзанд кўриш орқали аҳолини қайта тиклаш, авлодлар билан аждодлар ворислиги ва давомийлигини ҳамда ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатдир.

Президентимиз И.А.Каримов оиланинг туб моҳияти ҳақида гапириб: "Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор", деган эдилар.

Дарҳақиқат, оила - ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, кадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг кадриятлари ва маънавий мероси равнағини таъминловчи тарбия масканидир. "Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган". Бола шаклланишининг илк мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатлари мажмуи бўлиб ҳисобланади. "Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шаклланади... Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир". Ота-оналар муносабатларда намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги кадриятлар уларнинг ўзаро муносабатларида уйғунлаша бориб, оилада ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри

йўл-йўриқларини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат маданиятида шаклланади).

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, оилавий муносабатлар маданияти шарқ халқларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги халқлардан қолган асори-атиқаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижоди дурдоналарида, шарқнинг буюк мутафаккирларининг асарларида шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқига хос оилавий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар ифодаси тўғрисида қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Манбаларда оиласиз инсоний ҳаётни тасаввур қилиб бўлмаслик, баркамол фарзанд тарбияси, ундаги эр-хотин ва ўзаро муносабатлар маданияти, бахтли ва фаровон турмуш кечириш йўллари, ҳаётий мисоллар ёрдами билан ҳикматлар ва насиҳатлар кўринишида баён этилган.

Оилавий турмуш билан жамият тараққиётининг доимий муштараклиги туфайли жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам оилавий муаммолар унинг илғор вакиллари диққат-эътиборида бўлган. Оилавий ҳаёт жамият тараққиётида ва фарзандларнинг камолотида учун шу қадар муҳимки, худди шу боис уни бирор сония ҳам диққат-эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Ҳозирги шароитда замонавий оила ривожланишининг объектив тенденциялари таҳлилининг кўрсатишича масалан, у йўналишининг ўзгариши, унинг илгари тўлиқ устувор бўлиб келган ижтимоий йўналганлигининг қандайдир бошқача одатий тусда ҳали шаклланиб улгурмаган, етарли англаб етилмаган йўналиш билан алмашуви юз бермоқда. Бундай оилалар инсонга йўналтирилган ёки инсон моҳиятини кадрлашга қаратилган бўлиб, улар танланиш (излаш) ҳолатидадирлар. Буни ўтиш ҳолати сифатида таърифлаш ҳам мумкин. Унга оиланинг

анъанавий, енгил тушуниб олинадиган йўналганлиги ва оилавий турмушнинг тўла анланмайдиган таърифлари мажмуасининг кучайиши хосдир.

Анъанавий оила йўналишини ўзгариш жараёнлари сиртдан караганда, узлуксиз инқироз, барқарорликнинг, гармониянинг бузилиши (инқироз) тарзида намоён бўлмоқда. Хусусан, ҳамма жойда никоҳ бузилишлари сони ошаётганлиги қайд этилиши шундан гувоҳлик бермоқда. Шу соҳада олиб борилган илмий тадқиқот натижаларининг гувоҳлик беришича 1970 йилларнинг ўрталаридан то ҳозиргача АҚШ ва Россияда ҳар йили ажралишлар натижасида 50 фоиздан 80 фоизгача оила бузилмоқда, бунинг устига айнан кейинги йилларда ажралишларнинг сони, айниқса кўпаяётганлиги кузатилмоқда. Масалан, АҚШда никоҳ бузилишлари сони 2,5 баравардан зиёд кўпайди. Бироқ, бундай ҳолатлар, яъни "салбий белгилар" назаримизда инсонни озод бўлиши, унинг ўз ҳақиқий шахсияти ва мазмун-моҳиятини топишдек ижобий жараёнларни иккинчи ўринга суриб қўяди.

Инқироз вазиятидаги замонавий оила, қандайлигидан қатъи назар бевосита ва билвосита танлаш ҳолатида бўлади. Умуман оиланинг ижтимоий институт сифатидаги ривожланиши ўзига хос "иккига айрилиш" (И.Пригожин) нуқтасига етди. Бу нуқтада нафақат оиланинг ҳаддан зиёд беқарорлиги вужудга келади, балки уни ривожланиш траекторияларининг кенг спектри пайдо бўлади.

Ғарб мамлакатларида тадқиқот олиб бораётган олимлар "ҳозирги пайтда оила тушунчасининг ўзи азалий аниқлиги ва муайянлигини йўқотди" деб баҳоламоқдалар. Уларнинг хулосаларига кўра, 1950-йиллардан эътиборан никоҳдаги ота ва она, уларнинг фарзандларини ўз ичига олган анъанавий, ўзак оила сифатида таърифланган бўлса, кейинги йиллар мобайнида у воқелик тарзида ҳам, тушунча сифатида ҳам катта ўзгаришларга учради. Мана Америка тадқиқотчилари замонавий оилани қандай таърифлашларига бир мисол: "...ўзини оила сифатида

таърифлайдиган ва қон-қариндошлик алоқалари ёки никоҳ билан боғланган, шунингдек, ўз ҳаётларини ўзаро бир-бирлари билан ҳамкорликда бўлишга қарор қилган кишиларнинг ҳар қандай бирлашмасини оила деб ҳисоблаш лозим". Бу таъриф "анъанавий" ўзақ (нуклеар) оилани ҳам кенгайтирилган ва қариндошлик алоқалари тизимидан тортиб, то ота-оналардан бири бўлган ва бирга яшайдиган бир жинсдаги шерикларгача ўзгариб турадиган бошқа турмуш услубларини ҳам ўз ичига олади.

Оила таърифининг муҳим унсурлари шундан иборатки, бу бирлашманинг аъзолари ўзларига оила сифатида қарайдилар, ўзаро бир-бирига интилиш (аффиляция)ни ҳис қиладилар ва ўзларини бир-бирларига ғамхўрлик қилишга бағишлайдилар.

Оила инсоний муносабатларнинг ўзига хос "тажриба" лабораторияси бўлиб, унда ҳар хил тажриба ўтказишлар тўхтамайди. Бизнинг фикримизча, бу соҳада алғов-далғовликдан тартибга ўтиш фақат қандайдир битта тўлақонли муайян бўлган траектория бўйича амалга ошуви мумкин. Ҳозирги даврда уни стихияли излаш давом этмоқдаки, бунда тобора кўпроқ кишилар иштирок этмоқдалар. Бу шахслар ўз ҳаётларида ва бошқа ларнинг ҳаётларида тажрибаларидан фойдаланадилар. Ер юзидаги юз минглаб, миллионлаб анъанавий оилалар қайта ва қайта қалбнинг ўткир оғриқларини ҳис қилмоқдалар ва ўзларининг бухронли вазиятидан қандайдир чиқиш йўлларини топишга интилмоқдалар. Уларнинг аксарияти охириги вазиятларда қолиб, ё оилавий бухронни вақтинча тўхтатиб қўядилар, уни асабий, психосоматик ёки психотик бузилишлар, ёхуд ажралиш орқали оилани бошқа бир шерик билан қайта тиклашга интиладилар ва гуё янги турмуш бухрони томон ҳаракат қиладилар. Бир ноҳиявий оила учун эволюцион ривожланишнинг ҳар иккала шакли ҳам гўёки самарасиз ва фақат ташқаридан қарагандагина бухронни бартараф қилгандек туюлади.

Афсуски, бу ижтимоий жараён давом этмоқда унинг психологик ҳолатлари тадқиқотга муҳтож. Ҳар қандай ҳолатда ҳам оила жамият тараққиётида етакчи ўрин тутувчи институт ҳисобланади. Оила жамият тараққиётини таъминловчи, умуминсоний ва миллий кадриятларни авлоддан-авлодга ўтказувчи бекиёс гўшадир. Шунинг учун оилада барқарор ва мувозанатлашган шахслараро муносабатни яратиш ўзига хосликка эгаллиги учун жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Оиладаги тинчлик, ҳамжиҳатлик, аъзоларининг маънавий жиҳатдан камолоти ижтимоий-психологик муҳитни таъминлашда ҳамда унинг барқарорлигини қарор топтиришда муҳим ўрин тутади. Инсонлар орзу қиладиган оила ўзининг қайсидир жиҳатлари билан реал турмушдаги оилаларга ибрат-намуна бўлиши назарда тутилади. Бу эса ушбу мазмундаги оиланинг яққол андозавий тасвирини (идеал проекциясини) ишлаб чиқишни тақозо этади.

Оила ижтимоий-тарихий тараққиётнинг натижаси ва буюк неъматидир. Биз оиланинг андозавий тасвирини ишлаб чиқишда психиканинг муҳим хусусиятларидан бири тарихийлик ва унинг даврий хусусиятга эга эканлигини инобатга олиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки оиланинг шаклланиши ва ундаги шахслараро муносабатлар иштирокчиларининг фаолияти муайян тарихий даврларда амалга оширилади. Бу эса оиланинг андозавий тасвирини изоҳлашда бир неча босқичда унинг субъектлари фаолиятини лойиҳалаштиришни тақозо қилади.

2.3. Никоҳ қуриш мотивлари ва уларнинг оила ҳаётидаги аҳамияти

Никоҳ олди омилларидан яна бири-шу никоҳ қурулишига асос бўлган никоҳ мотивларидир. “Мотив” ибораси психологияда маълум бир хулқ, фаолиятнинг юзага келишига асос бўлган куч, туртки, манба, асосини билдиради. Психологик адабиётлардан бир неча ўнлаб никоҳ мотивлари фарқланади. Лекин улар умумлаштирган ҳолда уч классификациясига фарқланади. Булар: севги туфайли оила қуриш, яъни ёшлар оила қуришдан аввал бир-бирларини севиб, маълум бир муддат севиб-севилиб юрганларидан, сўнг шу ўзаро севгининг махсули сифатида бир-бирларининг висолига тўй қилиб, турмуш қуриб етишадилар.

Мотивларнинг икинчиси классификацияси моддий ёки ўзга манфатдорлик туфайли оила қуриш. Бунда ёшлар оила қураётганлар ниманидир ҳисобга олган ҳолда, маълум бир мақсадни қўзлаб оила қуришлари мумкин, масалан, бойликни, мансабни, моддий ёки ижтимоий манфаатдорликни қўзлаган ҳолда”Агар шу йигитга турмушга чиқсам, бой-бадавлат яшайман”ёки “Шу қизга уйлансам, унинг ота-онаси ёрдамида маълум бир мансаб, мавқега эришаман”, деган фикрлар асосида ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан қутилиш, “ёлғизликдан қутилиш” ва бошқалар. Бундай ҳисобга олинадиган нарсаларни қўзлаб санаб ўтиш мумкин.

Никоҳ мотивлари классификациясидан яна бири- стереотип бўйича оила қуриш деб аталади. Бу тоифа ёшларда олдинги мотивларнинг иккаласи ҳам қузатилмаслиги мумкин. Улар оила қуришар экан, стереотипларга қарайдилар. Бундай ёшлардан нима учун оила қуришлари сўралса, одатда “Хамма тенгдошларим уйланаётганиди, мен ҳам уйландим!” ёки “Хамма дугоналарим турмушга чиқишаётганиди, мен ҳам турмушга чиқдим!”қабалида жавоб берадилар.

Севги, моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли, стереотип бўйича курилган оилаларнинг қай бири мустахкамроқ бўлади, яъни қайси мотив мустахкамлигини кучлироқ таъминлайди?

Албатта, бу саволга ёшларнинг аксарияти, биринчи мотивни кўзлаб жавоб беришади. Чунки улар севги туфайли оила қуриш никоҳ мустахкамлигини таъминловчи энг ишончли, мустахкам пойдевор деб ҳисоблайдилар. Зеро севгининг оила мустахкамлигидаги ўрни беқиёсдир. Ҳақиқатдан ҳам, севги-бу ўта қудратли кучдир. У туфайли инсон нималарга қодир эмас?! Инсоният ўз тарақиётида эришган энг юксак чўққилар ҳам муҳаббат туфайлидир. З. Фрейд таъкидлаганидек, “Севги-бу инсониятни ҳайвонот олаmidан суғуриб олган кучдир!” Инсон яратган буюк мўъжизаларнинг барчаси севги туфайлидир.

Билдирилган фикрлардан кўриниб турибдики севги туфайли оила қуриш бахтли ва мустахкам никоҳнинг асосини таъминлайди.

Албатта, севишиб турмуш қурган жуфтларнинг аксарияти бахтли ҳаёт кечирадилар. Лекин статистик малумотларга қараганда, ажралишнинг аксарият қисми ҳам худуди шундай севишиб оила қурган жуфтларга тўғри келар экан. Хўш нега энди севишиб оила қурган жуфтлар оилавий ҳаётларида ҳамма вақт бахтли бўлаверишмайди? Нега кечагина бир-бирларини севиб, бир-бирларисиз яшай олмаслигига тўла амин бўлган йигит қизлар бугун никоҳларини бекор қилиш хусусида судга ариза беришяпти? Уларнинг муҳаббатига нима бўлди? Севги -ўзи нима? У бор нарсами ёки йўқми? Шу ўринда ҳақли равишда “Севги оилавий ҳаётнинг мустахкам бўлишига ёрдам берадими ёки халақит бўлишми!”, деган савол туғилади. Бу каби саволлар азал-азалдан ёшларни, умуман инсониятни қизиқтириб келган. Ўтмиш мутафаккурларимиз, олиму, шоир, ёзувчиларимизнинг асарларидан, халқимизнинг доно маънавий меъросларидан бу хусусда кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин.

Севги, агарда у хақиқий бўлса, севишганлар бир-бирларини хурмат қилиб, тушуниб, бир-бирларини эъозлаб, авайлаб хурмат қилиб, тушуниб, бир-бирларини эъозлаб, авайлаб, керак бўлса бири иккинчисининг бахти, шодлиги, қувончи, манфаати учун ўз манфаатидан воз кечиб, ўта нозик бўлган туйғу севгини хар куни, хар доим парвариш қилиб яшасалар, унда севги уларнинг муносабатларини янада яқинлашишига, оилавий хаётнинг мустахкамланишига ва биргаликдаги турмуш хаётларида энг олий завқ-шавқларни хис қилишларига асос бўлиши мумкин. Бу эса, албатта, ёшлардан сабр-тоқат, чидам, ўз севгисини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантириш учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш, ”жафо чекиш”ни талаб бўлиш. Шундагина севги ўзининг лаззатли меваларини бериш, ўзининг куч-қудратларини кўрсатиш мумкин. Албатта, хар-бир йигит-қиз ўзаро оила ришталарини боғлар экан, улар ўз хаётларидаги бу муҳим воқеага умид, орзу билан ёндашуви табиий.

Агар ўзаро аҳду паймон қилганлар оила қурганларидан кейин “мурод-мақсадимга эришдим” деб, севгисининг химоя қилиш, уни парвариш қилишни унутса, унинг учун курашмаса, қаровсиз қолган хар бир нозик ниҳол нобуд бўлганидек, энг нозик туйғу бўлга севги хам нобуд бўлади. Шундан сўнг севги номи билан қилинган орзу-ниятлар саробга айланади, ёшларнинг оила, никоҳ севги фонида шаклланган тасаввурлари “нотўғри” бўлиб чиқади. Оқибатда оилавий хаётдан кутган нарсалари қолиб кетиб мутлоқо кутмаган нарсаларига дуч келишлари кузатилади. Бундай хоатда севги ёшларнинг бахтига, уларнинг биргаликдаги хаётига халақит бериши мумкин.

Навбатдаги мотив моддий ёки ўзга мақсадлар туфайли оила қуришдир. Бу мотивнинг оила мустахкамлигига таъсири унинг кейинчалик қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Оила қуришдан олдин ёшларнинг ҳисобга олган, кўзда тутган нарсаларнинг ҳаммаси рўёбга чиқаверса, бу мотив маълум даражада никоҳ мустахкамлигини

таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Афсуски, оилавий ҳаётда ҳамма нарса ҳам йигит-қизлар утганидек бўлавермайди. Бу ўринда Л.Н.Толстойнинг: “Баддий асарларида, романларида, киноларда сюжет воқеалар ривожланиб-ривожланиб”бориб, охирида ҳаммаси тўй билан, яхшилик билан тугайди. Ҳаётда эса аксинча, ҳамма нарса тўйдан кейин бошланади”, днган фикирни таъкидлаш мақсадга муофиқ.

Шунинг учун ҳам оилавий ҳаётда кутилган, ҳисобга олинган нарсаларга ҳамма вақт ҳам эришиб бўлавермайди. Нимнидир ҳисобга олибтурмуш қурган ёшларнинг оилавий ҳаётда ана шу ҳисобга олганлари амалга ошмай қолгундек бўлса, ундан уларнинг Турмуши ғурбатга, турган-битгани азобга, низо-жанжалга айланади. Улар учун бундай оиладан кўра яшагандан кўра яшамагани афзал кўринади. Бу ҳам охир-оқибат оилаларнинг инқирозига ва “ҳисоб” пойдевори устига қурилган иморатнинг қулашига олиб келади.

Статистик маълумотларга кўра, юридик жихатдан энг мустаҳкам, турғун оилалар стереотип бўйича оила қурган жуфтларга тўғри келар экан. Бундай оилаларда ажралишлар миқдори олдинги икки мотив асосида қурилган оилаларга қараганда жуда кам кўрсаткични ташкил бўлиш. Чунки улар “ҳамма қатори” оила қуришган. қарашсаки, “ҳамма биноидек яшайпти”- булар ҳам яшайверишади. Бундай мотив асосида қурилган оиладаги эр-хотинлар ўта бахтли ҳам, ўта бахтсиз ҳам, ўта бахтли ҳам бўлишмайди. Лекин биргаликдаги ҳаёт туфайли эр-хотин ўртасида бир-бирларига мослашиш, бир-бирини тушуниш, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибат юзага келиб, улар ривожланиб юқорида айтганимиздек севги муҳаббат даражасига ўсиб етиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар, шубҳасиз, бу тоифа оилаларни нафақат расмий, юридик жихатдан, балки эмиционал, психологик жихатдан ҳам турғун бўлишини таъминлаши мумкин.

ХУЛОСА

1. Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг муқаддас китоблардаги баёни ва шарқ мутафаккирлари асарларидаги талқинни ўрганишимиз Ўзбекистон ҳудудида қадимдан оилавий турмуш маданияти юксак даражада ривожланган, дея хулоса чиқаришга имкон берди, (Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Инб Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин Ибн Фахруддин ва бошқалар) диссертацияни ёзишда мамлакатимиз ва чет эллардаги олимларнинг ўз муаммомизга ўхшаш томонлари мавжуд асарларидаги материалларни максимал даражада ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Лекин ҳажми катта тадқиқотимиз материални узлуксиз тўлдириб беришимизга тўғри келди. Чунки шу соҳада олиб борилган тадқиқотлар миллий-маданий ва ижтимоий-психологик хусусиятлари билан яъни ўзига хослиги билан, кескин тафовутланиши табиий ҳол.

2. Ўзбек оиласининг миллий қиёфасини белгилайдиган (ойдинлаштирадиган) ижтимоий-психологик асослар муайян даражада ёритилди. Биз ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари, маданияти, турмуш тарзини, шунингдек, ҳудуднинг оила ҳаёти ва фаолиятига таъсир этадиган хусусиятларини ҳамда ижтимоий маданий муҳитни мазкур оиланинг миллий қиёфаси моҳиятини ташкил этувчилар сифатида эътироф этдик.

3. Ўзбек халқининг узоқ тарихга эга ижтимоий-маданий муҳити, турмуш тарзи, маданияти, миллий онги ва ўзини ўзи англаши, миллий характери, хулқ-атвор стереотиплари ва ўзига хослигини илмий ўрганиш оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлашга имкон яратди.

4. Мавзуга дахлдор сифатида ўрганилган шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқи оилавий турмуш, эр-хотин муносабатлари, уларнинг вазифа ва

бурчлари, сифат ва фазилатлари акс этган муқаддас диний манбалар, ўзбек халқ оғзаки ижоди, шарқнинг буюк мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари асарларида қимматли маълумотлар жамланган. Улардан ҳозирги ёшларни оилавий турмушга тайёрлашда ва оилавий турмуш амалиётида самарали фойдаланиш мумкин.

5.Тарихий манбаларнинг далиллашича, қадим-қадимдан оилага муқаддас маскан, инсон камолоти, жамият тараққиёти ва барқарорлигини таъминлайдиган ижтимоий институт сифатида қаралган. Шу боис, оила ва никоҳ масалаларига, оилавий турмуш тартиб-қоидаларига, эр-хотиннинг вазифа ва бурчларига алоҳида эътибор берилган. Оила турмуши билан боғлиқ муаммолар унинг фаровонлиги, фарзандлар камолоти, эр-хотиннинг эзгу-истаклари ва манфаатларига мос ҳал этилган. Ўзбек халқининг оилавий турмуш хос тарихий тараққиёт давомида орттирган тажрибаси унинг муаммоларини ҳал қилиш ва турмуш тарзини мақсадга мувофиқ ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

6.Жамиятнинг ижтимоий тарихий тараққиёти ва унда кечган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий ўзгаришлар оила турмуш тарзига бевосита таъсир этган (акс этган). Оила тараққиёти тарихининг ҳамма босқичлари ва замонларида оилавий турмушга хос турли муаммолар шаклланган ва улар жамиятшунослик, инсоншунослик фанларининг муҳим масалалари сифатида қаралган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Ўзбекистон. 1998. - 64 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон. 1996. -366 б.
3. Каримов И.А. Жамятимиз мафкураси халқини - халқ, миллатини - миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: Ўзбекистон. 1998 -30 б.
4. Каримов И.А. Маънавият юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1998. -480 б.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.:Ўзбекистон. 1998. - 32 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1998. -432 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда -Т.: Ўзбекистон. 1999. -48 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон.1997.- 326 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.:Ўзбекистон. 1998. - 687 б.
10. Агеев В.С. Психологическое исследование социальных стереотипов // Вопросы психологии. 1986. №1. –С. 95- 101.
11. Алешина Ю.Е., Волович А.С. Проблемы усвоения ролей мужчины, женщины. // Вопросы психологии. 1991. №4. С.74-82.
12. Алёшина. Ю.Е. Спец практикум по социальной психологии: опрос, семейное и индивидуальное консультирование. -М.: изд-во МГУ. -1989. - 64 с.
13. Алёшина Ю.Е. Исследование развода в западноевропейских странах "США/служба семьи": Изучение опыта и принципов организации. -М., - 146с.

14. Алимов Х. Миллийлик ва ижтимоий руҳият .Т., 1992.
15. Андреева Г.М. Социальная психология: Учебник, 2-е изд., доп. и перераб.-М.:Изд.МГУ. 1988. -432 с.
16. Антонов В.В. Психическая саморегуляция в восточной традиции: Ленинград. 1988. -29 с.
17. Аронс К. Развод: крах или новая жизнь?/ Пер.с англ. -М.:Мир. -1995. - 448 с.
18. Артёмов В.И. Динамика образа жизни сельского населения // Социальные исследования. 1990. №4. -С65-67.
19. Асмолов А.Г. Психология личности. -М.: МГУ. 1990. 367 с.
20. Ашуров А. Авестодан мерос маросимлар.Т.: 2001.-32 б.
21. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. -М., 1980.
22. Бестужев - Лада И.В. Семья вчера, сегодня, завтра. -М.: Знание. 1979. - 94 с.
23. Бобнева М.И. Социальные нормы и регуляция поведения. -М.: Наука. 1989. -313 с.
24. Бодалов А. А. Общая психодиагностика. -М.: 1987.-176 б.
25. Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. -М., 1973.-116 с.
26. Буюк сиймолар, алломалар. I I китоб. / Нашрга тайёрловчи М.Хайруллаев. -Т., 1996. -120.
27. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. - Т.: Университет. 1997. -238 б.
28. Витек К. Проблемы супружеского благополучия. / Пер. с чешск. Общ. ред. и предисл. М.С. Масковского .-М., 1988. -144 с.
29. Владин В., Капустин Д. Гармония семейных отношений. –Минск, 1986. -238 с.
30. Воугел Э.Ф. Семья и родство "Американская социология, перспективы, проблемы, методы". -М.: Прогресс. 1972. -132 с.
31. Вунд В. Проблемы психологии народов. -М.: Знание. 1912.-178 с.

32. Гребенников И.В. Основы семейной жизни. -М.: Просвещение. 1991. - 158 с.
33. Грининг Т. История и задачи гуманистической психологии // Вопросы психологии. 1988. №4.
34. Давлетшин М.Г. Оиладаги низолар психологияси ва унинг бартараф этиш йўллари. ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Респ.илм. амал. анж.маъруз. қисқача баёни. -Т., 1993. -33-34 б.
35. Джандильдин Н.-Т. Природа национальной психологии. Алма-Ата, 1971. –С. 7-12.
36. Дилигентский Г.Г. Социально-политическая психология. -М.: 1994.
37. Дорно И.В. Современный брак: проблемы и гармония. - М.: Педагогика. 1990. -272 с.
38. Жабборов А.М. Ўқитувчи этнопсихологияси. Қарши “Насаф” 2015й. – 180 б.
39. Файзиева М.Х. Жабборов А.М. Оилавий муносабатлар психологияси. Т.; Янги авлод асри. 2007 й. – 144 б.